Ушбу сонда:
2 ШИФОКОРЛАР ОЛИС ҚИШЛОҚЛАРДА
3 TV — ДАСТУРИ
4 МЕҲР-ШАФҚАТ - ОЛИЙ ФАЗИЛАТ

**Ислом КАРИМОВ:**
***Аёлларни, оналарни асраш керак, дегани - бу, фарзандларни асраш, наслни асраш, охир-оқибатда миллатни асраш демакдир.***

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 5 сентябр, жума № 139 (1564)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Бир фармон шарофати

## СОҒЛОМ, БАРКАМОЛ АВЛОД – МИЛЛАТ ТАЯНЧИ

Мамлакатимизда Баркамол авлодни тарбиялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Зеро, жисмонан бақувват, маънан баркамол, иймон-эътиқодли, билимли, мард ва жасур, асл ватанпарвар авлод — миллатимиз таянчидир.

Президентимизнинг «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг Давлат дастури тўғрисида»ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг «Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлиғини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида аҳолининг репродуктив саломатлигини, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш вазифалари аниқ-равшан белгилаб берилган.

***Газетамизнинг иккинчи саҳифасида Президент Фармони ва ҳукумат қарорлари асосида Қашқадарё вилоятида амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳикоя қилинади.***

# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ




***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 4 сентябр куни Оқсаройда Хитой Халқ Республикаси ташқи ишлар вазири Ли Чжаосинни қабул қилди.***

Хитой ташқи сиёсат маҳкамаси янги раҳбарининг мамлакатимизга бу илк расмий ташрифи икки томонлама муносабатлар аҳволини яна бир карра кўриб чиқиш ва ҳамкорлик истиқболини белгилаш учун яхши имкониятдир.

Президент Ислом Каримов учрашувда Ўзбекистон-Хитой муносабатлари жадал ривож топаётганидан мамнуният изҳор этди.

Мамлакатимиз раҳбари шу йил 29 май куни Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Москвада ўтган йиғилиши доирасида ХХР раиси Ху Цзинтао билан учрашган эди. Ҳамкорликни янги босқичга кўтариш учун янги асос бўлиб хизмат қиладиган ушбу учрашув якунлари икки мамлакатда ҳам юқори баҳоланди.

Мамлакатларимизнинг қатор халқаро муаммоларга қарашлари уйғунлиги боис Ўзбекистон билан Хитой нафақат ўзаро, балки кўп томонлама асосда ҳам ҳамкорликни фаол ривожлантирмоқда. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги алоқалар бунинг ёрқин далилидир. Чунончи, Л.Чжаосин шу кунларда Тошкентда ташкилотнинг ташқи ишлар вазирлари даражасида ўтадиган анжуманида ҳам қатнашади.

Оқсаройдаги учрашувда Ўзбекистон-Хитой муносабатлари, хавфсизликка таҳдид солаётган омилларни бартараф этишда ҳамкорликни кучайтиришга оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди.

**(ЎзА)**

## ПОЙТАХТ ҲОКИМЛИГИДАГИ УЧРАШУВ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Лондон Сити Лорд-мэри Гэвин Артур Тошкент шаҳар ҳокими Рустам Шоабдураҳмонов билан учрашди. Унда пойтахтимиз билан Лондон Сити ўртасидаги ўзаро савдо-иқтисодий ва маданий алоқаларни янада ривожлантиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

Г.Артур Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида ҳам бўлиб, профессор-ўқитувчилар ҳамда талабалари билан учрашди.

**(ЎзА)**

## ДОИМИЙ ЯРМАРКА

***«Ўзбекбирлашув» акциядорлик компаниясининг яқинда очилган Фарғона доимий чакана-улгуржи савдо ярмаркасида мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат ва енгил саноат маҳсулотлар намойишига алоҳида эътибор қаратилган.***

Бу ердан ўрин олган икки минг хилдан ортиқ маҳсулот сифати билан харидорларга манзур бўлмоқда.

Айниқса, «Хива-Карпет» қўшма корхонаси гиламлари, «Ўзсаламаҳ» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган пойабзал, бош кийимлари фабрикаси маҳсулотлари, мебель, уй жиҳозлари, тайёр ип газламалар, спорт кийимлари, озиқ-овқат ва қандолат маҳсулотларига харидорлар эътибори катта.

## ГУЗАР ОЧИЛДИ

***Жалолқудуқ туманидаги "Болгария" ширкат хўжалигида янги гузар очилди.***

Хўжалик бошқаруви ташаббуси билан бунёд этилган гузарда ошхона, новвойхона ва чойхона иш бошлади. Қишлоқ аҳолисига савдо, маданий ва маиший хизмат шохобчалари хизмат кўрсатмоқда.

-"Болгария" хўжалиги жамоаси асосан боғдорчилик ва узумчилик билан шуғулланади, - деди хўжалик раиси Авазбек Норалиев "Туркистон-пресс" мухбирига. - Шу боис хўжалигимизда Россия, Қозоғистон мамлакатларидан катта юк ташувчи транспорт воситаларининг эгалари тез-тез меҳмон бўлиб туришади. Гузарда улар учун меҳмонхона, юк автомобиллари учун эса тўхташ майдони қурилди.

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами муносабати билан Сербия ва Черногория халқлари номидан ҳамда шахсан ўз номимдан Сизга сидқидилдан қутловлар ва мамлакатингизга ҳар томонлама равнақ ва фаровонлик тилаб билдирган самимий истакларимни йўллашга ижозат бергайсиз.

Фурсатдан фойдаланиб, ишонч билдираманки, мамлакатларимиз билан халқларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар ва ўзаро фойдали ҳамкорлик ҳамжиҳатлик руҳида, дунёда тинчлик ва барқарорлик манфаатлари йўлида муваффақиятли ривожланиб бораверади.

**Светозар МАРОВИЧ,**
**Сербия ва Черногория Президенти, Сербия ва Черногория Вазирлар Кенгаши Раиси**

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан Мальдив ҳукумати ва халқи номидан Сиз, Жаноби Олийларига, Ўзбекистон ҳукумати ва биродар халқига самимий табрикларим ва эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга сиҳат-саломатлик, Ўзбекистон халқига эса тараққиёт ва фаровонлик тилайман.

**Маъмун АБДУЛҚАЮМ,**
**Мальдив Республикаси Президенти**

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрикларим ва эзгу тилакларимни йўллашдан бағоят мамнунман.

Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона алоқалар келажакда янада ривожланиб боришига ишонаман.

Жаноби Олийлари, Сизга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр ва бахт-саодат, Ўзбекистон Республикасининг биродар халқига эса фаровонлик истаб йўллаган тилакларимни қабул эттайсиз.

**Иажуддин АҲМАД,**
**Бангладеш Халқ Республикаси Президенти**

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Жаноби Олийлари,

Мамлакатингиз Мустақиллиги куни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрикларимизни изҳор этишдан ғоят мамнунмиз.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат, Ўзбекистон халқига эса давомий тараққиёт ва равнақ тилаймиз.

**Қобус бин САИД,**
**Уммон Султони**

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Жаноби Олийлари,

Республикангиз Миллий куни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларини ва мамлакатингиз халқини Қатар Давлати халқи, ҳукумати ва шахсан ўз номимдан самимий муборакбод этаман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик, Ўзбекистон халқига эса осойишталик ва тараққиёт тилайман.

Камоли эҳтиром ила,

**Ҳамад бин Халифа Ол СОНИЙ,**
**Қатар Давлати Амири**

*Қарор ва ижро*

## МАҲАЛЛА ТАЯНЧ ПУНКТИ

***2002 йил 18 июнда Вазирлар Маҳкамасининг «Жиноятчиликка қарши курашда Ички ишлар вазирлиги профилактика фаолиятининг ролини ошириш тўғрисида»ги қарор қабул қилинди. Ушбу ҳужжат асосида шаҳар ва туманлардаги профилактика фаолиятининг штатлари ҳудудлардаги аҳоли сони, масофанинг узоқлиги, оператив вазиятлар ҳисобга олинган ҳолда кўриб чиқилди ва кўпайтирилди. Шароит жойларда таянч пунктлари ташкил этишни тақозо этарди.***

Янги таянч пунктлари 4-5 хонадан иборат бўлиши назарда тутилиб,бу ерларда профилактика инспекторлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш идоралари, маҳалла посбонлари ва тарбиячи-педагогларнинг бир шароитда ҳамкорликда иш юритиши белгиланган. Милиция таянч пунктлари ёнида спорт майдонларини ажратиш бўйича Ички ишлар вазирлиги, шаҳар ва туман бўлимлари томонидан бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 16 майдаги «Ижтимоий кўникма марказлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига асосан республика ҳудудларидаги таянч пунктларида 300 нафар тарбиячи-педагог штат бирликлари очилди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2002 йил 25-февралдаги «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идораларида «Намунали милиция таянч пунктлари» кўрик-танловининг қонунини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғига асос Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида жойлашган милиция таянч пунктлари ўртасида икки босқичда кўрик-танлов ўтказилди. Унда Тўрткўл тумани «Гулистон» маҳалла фуқаролар йиғинидаги 1-сонли милиция таянч пунктлари биринчи ўринни эгаллади. Улар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Умуман милиция таянч пунктларининг асосий вазифалари кенг оммага ҳуқуқий масалалар бўйича ёрдам кўрсатиш, тарғибот ишларини олиб бориш, ёшларни ижтимоий меҳнатга жалб этиш, спорт тадбирларини ташкил қилиш, маъмурий бошқариш ҳудудларидаги вазиятни чуқур ўрганишдан ва таҳлил қилишдан иборатдир. Ҳар бир ходим, маҳалла посбонлари содир этилган жиноятни ўз вақтида очишда ва уларнинг олдини олишда самарали профилактика ишларини олиб боради. Бу эса эзгулик йўлида олиб бораётган саъй-ҳаракатимизнинг натижасини белгилайди.

**А.ТЛЕЎМУРАТОВ,**
**Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бошқармаси бошлиғи, милиция подполковниги.**

## КОМПЬЮТЕР УСКУНАЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

***Янги ўқув йили арафасида АҚШнинг IREX компанияси Андижон вилоятидаги саккизта умумтаълим мактаблари ва мактаб-интернатларига компьютер ускуналарини топширди.***

"Ўзбекистон мактабларига-компютер техникалари" дастури доирасида тақдим этилган замонавий компьютерлар, янги ўқув-услубий техникаларни ўзлаштириш бўйича дарслик ва қўлланмалар махсус синфларни жиҳозлаш билан биргаликда ўқув муассасаларида компьютер марказларини барпо этиш имкониятини берди.

IREX мутахассислари эндиликда ўқитувчилар ва мактабдан ташқари таълим мутахассислари учун малака ошириш курсларини ташкил этишни режалаштирмоқда.

**"Туркистон-пресс"**

Эҳтиёжманд, меҳр-мурувватга муҳтожлар ва ногиронлар ҳолидан хабар олиш халқимиз азал-азалдан амалга ошириб келаётган эзгу қадриятлардандир. Кейинги йилларда аждодлардан мерос қолган бундай хайрли анъаналарни ривожлантириш, янги мазмун билан бойитиш, уларнинг инсон камолотидаги ўрнини улғайиб келаётган авлод шуурига сингдиришга жиддий эътибор қаратиляпти.

## ҲОМИЙЛАР МЕҲР-МУРУВВАТИ

«Обод маҳалла йили» дастурида белгиланган режалар бунинг яна бир яққол далилидир. «Маҳалла» хайрия жамғармаси пойтахтимизнинг Юнусобод туманида шундай тадбирлардан бирини ўтказди. Бу ерда истиқомат қилаётган меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, эҳтиёжманд оилалар фарзандлари тўкин дастурхон атрофида тўпланди. «Ал-Азиз» қаҳвахонаси жамоаси билан ҳамкорликда уюштирилган мазкур шодиёнага санъаткорлар алоҳида файз бағишлади. Ҳомийлар томонидан болаларга эсдалик совғалари улашилди.

**(ЎзА)**

## ФЕРМЕР УЧУН АЁҚШ

Фермер хўжаликлари учун кичик ёнилғи қуйиш шохобчалари тармоғини барпо этиш мақсадида Қоракўл туманида "Бухоронефтбаза" унитар корхонасининг филиали ишга туширилди.

Дастлабки шундай шохобча "Пойкентобод" фермер хўжаликлари уюшмасида очилди. У фермерлар ва ширкат хўжаликларига хизмат кўрсатади.

"Пахтабанк"нинг туман бўлими фермерларга қулайлик яратиш мақсадида "Пойкентобод" қўрғонида ўз филиалини очишга қарор қилди. Айни пайтда уни очишга ҳозирлик кўрилмоқда.

**"Туркистон-пресс"**

## АБДУҚАҲҲОР БОБО САХОВАТИ

Қамашилик Абдуқаҳҳор бобо Қодиров ўзининг деҳқон хўжалигига қарашли «Оқсув» дам олиш масканини Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг вилоят бўлимига ҳадя этди. Оромгоҳ 75 гектар ер майдони ва қурилиши тўхтаб қолган бир қанча объектлардан иборат бўлиб, Қамаши туманидаги хушманзара ҳудудлардан бири - Оқсув қишлоғида жойлашган. Худди шу ердан оқиб ўтадиган Оқсув дарёси тоғнинг шифобахш булоқларидан ҳосил бўлади. Дарё атрофини ўраб турган мевали ва манзарали дарахтлардан иборат сўлим табиат қўйнида нафақат спортни ривожлантириш, балки соғломлаштириш тадбирларини ҳам ташкил этиш мумкин.

Жамғарма томонидан бу объектларда қурилиш ва таъмирлаш ишларини давом эттириш, оромгоҳни спорт билан шуғулланувчилар учун ажойиб дам олиш масканига айлантириш режалаштирилмоқда.

*Демократик ҳуқуқий давлат сари*

## ЖАЗОНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ

### тўғрисидаги қонунни бажариш юзасидан Наманган вилоятида қандай ишлар амалга оширилаяпти?

Мустақиллигимизнинг биринчи кунлариданоқ қонун устуворлигини таъминлаш, мамлакатимизда инсонпарварлик ва одиллик тамойилларига амал қилишнинг нақадар муҳимлиги Президентимиз томонидан уқтириб келинмоқда. Маълумки, қонунлар ижтимоий турмушнинг ўзгариши, жамият тараққиётига қараб такомиллашиб боради. Билакс, жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларига демократик ислоҳотларнинг қўлланилишини, аввало фуқароларимизнинг ҳуқуқий онгидаги ижобий ўзгаришлар, ҳуқуқий маданиятимиз даражаси билан ҳамоҳанг, деб тушунмоқ керак.

Юртбошимизнинг Олий Мажлис олтинчи сессиясидаги маърузасида асосий эътибор суд-ҳуқуқ ислоҳотларига, лўнда ифодалаганда, жиноий жазоларни либераллаштириш масалаларига қаратилди. Бундай йўл тутишдан мақсад ва уни қандай тушунишимиз, қабул қилишимиз ҳамда амалиётда қўллаш учун қай йўсинда ёндошишимиз атрофлича баён этилди.

2001 йил Олий Мажлис сессиясида Президент ташаббуси билан тақдим этилган Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-Процессуал Кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Қонун қабул қилинди. Жиноят Кодексининг биргина 15-моддасига киритилган ўзгартиришга тўхталадиган бўлсак, унда жиноятларни таснифлаш мезонлари ўзгарганини кўрамиз.

Ишга янгича ёндошув, либераллаштириш муносабати билан барчани қувонтирадиган жараён кўзга ташланди. Хусусан, юқорида қайд этилган қонун юзасидан амалга оширилган ишлар туфайли 127 нафар шахс ҳибсдан озод қилинди, 463 кишининг жазо муддати камайтирилиб, янги қонунга мувофиқлаштирилди, 113 нафар жазони ўтаётган шахсларни сақлаш тартиби ўзгартирилди. Суд амалиётида Жиноят Кодексининг 66-ҳамда 71-моддаларида кўзда тутилган ижтимоий хавфи унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган айбдор шахсларни жавобгарликдан, шунингдек, жазодан озод қилиш имконияти вужудга келди.

Жиноят Кодексининг 85-моддасида «Вояга етмай туриб, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланмайди», деган мазмундаги тўлдириш киритилиши давлатимиз раҳбарининг ёшларга бўлган жуда катта эътибори ва меҳрибонлигининг яна бир кўринишидир. Буни вилоятимиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Шу йилнинг биринчи ярми давомида талайгина шахсларга чиқарилган ҳукмлар шартли ҳисобланиб, синов муддатлари тайин этилди.

Асосий қонунимиз бўлган Ўзбекистон Конституциясида хусусий мулк даҳлсизлиги кафолатланган бўлиб, Жиноят Кодекси 53-моддасининг жиноят қонунчилиги амалиётида мавжуд бўлиб келган қўшимча жазо тури сифатида кўпчилик маҳкумларга қўлланиб келинган мол-мулкни мусодара қилиш либераллаштириш муносабати билан бутунлай чиқариб юборилди. Биламизки, авваллари муқаддам судланган шахслар ўзининг жиноий қилмиши учун жазога маҳкум этилганидан кейин уларнинг оила аъзолари моддий жиҳатдан қийналиб қоларди, баъзида мол-мулклари мусодара қилинарди. Эндиликда ушбу масалада ҳам қувончли ўзгаришларни кўрамиз. Жазоларни либераллаштиришнинг иқтисодий соҳадаги жиноятларга тегишли қисми бўйича Жиноят Кодексининг мулкий зарар етказиш билан боғлиқ оқибатлар учун жавобгарликни назарда тутувчи айрим нормалари санкциялари ҳам қайта кўриб чиқилди.

Иқтисодий йўналишдаги жиноят учун озодликдан маҳрум этиш ўрнига жарима тарзидаги чорани қўллашга кенг ўтилди. Масалан, қонун кучга киргунга қадар ҳукм қилинган 5 нафар шахс жиноят ишлари бўйича янги қонун қабул қилинганлиги муносабати билан моддий зарар ўрни қопланиб, мулкий зарар тўлаб қўйилганлиги учун озодликдан маҳрум қилиш жазоси бошқа турдаги жазо билан алмаштирилди. Умуман, жазоларни либераллаштириш бошлангандан то ҳозирги кунга қадар вилоятимизда 1115 нафар шахс судланмаган, деб топилиб, жиноий жавобгарликдан озод этилди.

**Ғ.ЯКЁХЎЖАЕВ,**
**Жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят суди раисининг ўринбосари**

## Бир фармон шарофати

# СОҒЛОМ, БАРКАМОЛ АВЛОД — МИЛЛАТ ТАЯНЧИ

***Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан тиббиётни ислоҳ қилишга қаратилган давлат дастурлари, тиббиёт ходимлари меҳнатини улуғлаш билан бирга улар зиммасидаги масъулиятни янада оширди.***

## ШИФОКОРЛАР ОЛИС ҚИШЛОҚЛАРДА

Айни пайтда вилоятимизда 5418 нафар врач, 22944 та ўрта тиббиёт ва 5600 дан ортиқ техник ходимлар фаолият кўрсатишмоқда. 34 мингдан зиёд тиббиёт ходимлари орасида фан докторлари, 44 нафар фан номзоди бор.

Кейинги йилларда кўплаб шифокорларимиз Москва, Киев, Харков шаҳарлари ҳамда Польша, Германия, Франция давлатларида ўзларининг билим ва малакаларини ошириб қайтдилар.

Репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, камқонлик, эндокрин, сил касалликларининг олдини олиш бўйича республика ўқув семинарлари уюштирилди. «Europe Aid» халқаро бирдамлик лойиҳаси асосида Франция, Германия давлатларининг беғараз ёрдами билан тез тиббий ёрдам ва санитария-эпидемиология тизими фаолияти ўрганилиб, мутахассисларни ўқитиш, тиббиёт муассасаларини жиҳозлашга катта эътибор берилаяпти.

Вилоятнинг Миришкор, Деҳқонобод, Чироқчи, Қарши туманлари ва Қарши шаҳрида бу борада анчагина ишлар амалга оширилди. Лойиҳа дастурини ривожлантириш учун 2 миллион евро миқдорида маблағ ажратилди. ХОУП лойиҳасига мувофиқ Американинг Қизил Хоч жамияти ёрдамида «Соғлом она-соғлом бола» дастурини амалга ошириш мақсадида Деҳқонобод, Касби, Чироқчи туманларида турли тадбирлар олиб борилаяпти. Дастурни ривожлантириш учун 5 миллион евро миқдорида маблағ ажратилган.

Аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қисмини дори-дармон билан таъминлаш яхшиланди. Имтиёзга эга бўлган 35263 та беморга 85 миллион 939 минг сўмлик дори-дармонлар тарқатилди. АҚШнинг «Юракдан юракка» ташкилоти томонидан 1 миллион, «Амери КЕРЗ» халқаро ташкилоти 1,2 миллион долларлик дори-дармон ва жиҳозлар етказиб берди. Чехиянинг «СП Лечиво» фарм-саноати, Венгриянинг «Гедион Рехтир» кимё заводи, АҚШ нинг «ПЭРРЦА» ташкилоти ва «Соғлом авлод учун» жамғармаси томонидан 128 турдаги дори-дармонлар ва тиббий воситалар даволаш-профилактика муассасаларига тарқатилди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги 57 миллион 266 минг сўмлик, халқаро ташкилотлар ва хайрия жамғармалари ташаббуси билан 120 турдаги дори-дармонлар беғараз мурувват ёрдами сифатида берилди.

Исроил давлатининг офтальмолог мутахассислари Қарши ва Шаҳрисабз шаҳридаги кўз касалликлари шифохоналарида «Катаракта» касаллигига учраган юздан зиёд беморларни жарроҳлик йўли билан даволаб, сунъий гавҳар қўйдилар.

Вазирлар Маҳкамасининг «Обод маҳалла йили» давлат дастури тўғрисидаги қарорини амалга ошириш мақсадида бир мунча ишлар қилинди. Вилоятдаги 572407 нафар туғиш ёшидаги аёллар, 53 мингдан ортиқ бир ёшгача бўлган болалар тиббий кўрикдан ўтказилди.

Президентимизнинг «Тиббиётни ислоҳ қилиш давлат дастури» тўғрисидаги Фармонига асосан кейинги икки йил ичида 30 дан ортиқ қишлоқ врачлик пунктлари ишга туширилиб, уларнинг сони 178 тага етказилди.

Республика акушерлик ва гинекология илмий-текшириш институтининг Қарши шошилинч тиббий илмий маркази ва Саломатлик институтининг Қашқадарё филиаллари ишга тушди.

Туманларда 15 та шошилинч тиббий ёрдам бўлимлари фойдаланишга топширилди. Тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланди. Қарши шаҳрида дори-дармонларни сертификатлаш ва сифатини текшириш маркази ташкил этилди.

Ҳозирги пайтда вилоятда 12948 ўринли даволаш муассасалари бўлиб, шундан 333 таси хўжалик ҳисобида фаолият кўрсатмоқда. Аҳолига 95 та шифохона, 540 ўринли 4 та санаторий ва 377 та шифохоналар хизмат кўрсатаяпти.

Вилоят диагностика ташҳис марказига Германия Республикасининг «СИМЕНС» фирмасидан келтирилган компьютер томограф ускунасини таъмирлаш учун маҳалла бюджетидан 35 миллион сўм ажратилди. ДОТС дастури лойиҳаси бўйича вилоят сил касалликлар диспансерига маблағ берилди. Дастурга мувофиқ Қашқадарё, қўшни Сурхондарё ва Бухоро вилоятлари шифокорлари Қарши шаҳрида ўз билим ва малакаларини оширдилар.

Оналик ва болаликни муҳофазалаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши. Соғлом авлоднинг камол топиши оила тиббий маданиятининг қай даражада юқорилигига боғлиқ. Шунинг учун ҳам шифокорлардан иборат гуруҳлар қишлоқ ва маҳаллаларга чиқиб оналар ва болаларга тиббий хизмат кўрсатмоқдалар.

Чет эллик ҳамкорлар билан алоқалар янада мустаҳкамланган. ЮСАИД ташкилотининг вакили Анжела Лорд хоним, ижрочи директори Бэс Саламанка вилоят болалар шифохонаси, акушер-гинекология илмий текшириш институтининг Қарши филиали, Чироқчи, Касби туманлари, «Соғлом оила» марказларида бўлиб, амалга оширилаётган ишларга юксак баҳо бердилар.

**Раҳматилла РАҲМОНОВ,**
**Қашқадарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи, тиббиёт фанлари доктори, профессор**

***Фарзандларимизнинг баркамол ва бақувват вояга етишида она сутининг аҳамияти беқиёс. Аёлларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, касалликларни даволаш, фарзандларимизни кўкрак сути билан боқишни кенг тарғибот қилиш мақсадида вилоятда Америка халқаро ривожланиш агентлигининг ХОУП лойиҳаси иш бошлади.***

## КАМҚОНЛИК ҳақида нима биласиз?

Халқаро экспертлар ва республикамизнинг етук мутахассислари томонидан 300 дан ортиқ врач ва ўрта маълумотли тиббиёт ходимлари ўқитилиб, аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борадиган мутахассис кадрлар тайёрланди.

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида вилоятдаги 572407 нафар туғиш ёшидаги аёллар тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилди. Уларни контрацептив воситалар билан таъминлаш, туғруқлар орасини узайтириш, соғлом болани дунёга келтириш учун тиббий муолажалар ўтказилди. Ўсмир қизлардан 40 минг нафарининг саломатлиги текширилиб, аниқланган касалликларни даволаш чоралари кўрилди.

Туғруқ мажмуалари замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланиб, хотин-қизларни даволашга 452 нафар акушер-гинекологлар, юзлаб болалар врачлари жалб этилган. Вилоят оналар ва болалар шифохонаси 65400 АҚШ доллари миқдорида Япония давлати грантини олишга сазовор бўлди ва замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланди. София Қўчқорова бош шифокорлик қилаётган Китоб туман Марказий туғруқхонаси «Она ва болага дўстона муносабат» халқаро сертификати билан тақдирланди.

Жойлардаги фуқаролар ҳолатлари далолатномаларини ёзиш бўлимлари билан ҳамкорликда янги оила қурадиган 5903 нафар йигит-қиз тиббий кўрикдан ўтказилди. Қавму қариндошлар ўртасида ва никоҳ ёшидан эрта турмуш қуришнинг олдини олиш, соғлом оилани шакллантириш мақсадида 69 та тиббий гуруҳлар ташкил этилиб, шаҳар ва туманлар, қишлоқ ва маҳаллаларда мулоқотлар уюштирдилар.

Умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежларида «Соғлом турмуш тарзи асослари ва оила» мавзуида машғулотлар олиб борилаяпти. Республика акушерлик-гинекология илмий текшириш институтининг Қарши филиалида «Хавфсиз оналикни таъминлаш» ўқув курси машғулотлари юқори савияда ўтди.

Чақалоқлар ва ҳомиладор аёллардаги туғма ва авлоддан авлодга ўтувчи ирсий касалликларни аниқлашга қаратилган вилоят «Она бола скрининг» марказида ўтказилган текширишлар яхши самара берди. Сил касаллигига қарши кураш бўйича аниқ тадбирлар ишлаб чиқилиб, болалар тўлиқ текширувдан ўтказилди. Юқумли касалликларнинг олдини олиш бўйича эмлаш ишлари амалга оширилди.

Репродуктив саломатлик ва соғлом оилани шакллантириш учун «Саломатлик институти» ходимлари билан ҳамкорликда «Гиёҳвандлик XXI аср вабоси», «Она сутининг мўъжизаси», «Соғлом авлод – миллат келажаги», «Болангизни кўкрак сути билан эмизинг», «Кам қонлик ҳақида нималарни билишингиз керак?» мавзуида давра суҳбатлари уюштирилди, буклетлар, варақалар чоп этилиб, аҳоли ўртасида тарқатилди.

**Мавлуда НОРҚУЛОВА,**
**вилоят бош акушер-гинекологи**

## ҲАМИША АРДОҒИМИЗДА

Вилоятимизда «Соғлом авлод» ҳамда «Она ва бола» давлат дастури ҳаётга изчил тадбиқ этилаяпти. Бунда 55 нафар шифокорни ўз атрофига бирлаштирган жамоамизнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор, албатта.

Бир йўла 205 нафар беморни қабул қилиб, даволайдиган туғруқ мажмуаси замонавий ташҳис ускуналари, зарур тиббий воситалар, чақалоқларни парваришлашга мўлжалланган мосламалар билан жиҳозланган.

Кўп йиллик тажрибага эга бўлган Ҳожар Султонова, Ҳалима Шамсиева, Тамара Ҳамроева каби шифокорлар мижозларга тез ва қулай, малакали тиббий ёрдам кўрсатишаяпти.

Соғлом онадангина соғлом фарзанд дунёга келади. Тиббий кўрикдан ўтиш биринчи навбатда она учун фойдали. Шунинг учун ҳам вилоятимизда «Она ва бола скрининг» маркази ташкил этилган бўлиб, у болаликдан ногиронлар туғилишининг олдини олиш, чақалоқлар ҳамда ҳомиладор аёлларда туғма касалликлар ва бошқа патологик касалликларни барвақт аниқлашга хизмат қилмоқда.

Бундан ташқари, бўлажак оналар ультратовушли ускуналар ёрдамида тўлиқ текширилгандан сўнг эндокринолог, гинеколог, невропатолог каби шифокорлар кўригидан ўтказилади.

Акушер-гинекологларимиз туғруқлар орасидаги вақтни узайтириш ва исталмаган ҳомиладорликни олдини олиш мақсадида шаҳар маҳаллаларида тушунтириш ишлари ўтказишаяпти. Бунинг оқибатида оналар ва болалар ўртасида хасталаниш сезиларли даражада камайди.

**Салима ОЧИЛОВА,**
**Қарши шаҳар туғруқ мажмуасининг бош шифокори**

## «СИЗ БЎЛАЖАК ОНАСИЗ»

Қарши шаҳрида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, оила манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳаётда ва турмушда хотин-қизлар мавқеини ошириш борасида анча ишлар қилинди.

Айни пайтда 13 та даволаш муассасалари ишлаб турибди. Яқинда биринчи болалар шифохонаси, шаҳар марказий касалхонасининг хирургия бўлими таъмирланиб, замонавий ускуналар ўрнатилди.

Бир неча йилдирки, шаҳримизда «Аёллар саломатлик маркази» фаолият кўрсатмоқда. Марказ хотин-қизларга ҳуқуқий-психологик ёрдам кўрсатиш билан бирга репродуктив саломатликни мустаҳкамлашга хизмат қилаяпти.

Шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, соғлиқни сақлаш бўлими билан ҳамкорликда мактабларда таълим олаётган йигит-қизлар учун «Оилада тиббий маданиятни ошириш» мавзусида 16 соатлик ўқув машғулотлари ўтказилди.

Тарғибот-ташвиқот ишлари аҳоли истиқомат жойларига кўчирилган. «Чамргар», «Гулшан», «Чақар», «Бузрукобод» маҳаллалари, касб-ҳунар коллежлари ва 43 та умумтаълим мактабида ўтказилган «Сиз бўлажак онасиз» ўқув машғулотлари ёшларда катта қизиқиш уйғотди. Ўсмирларга «Балоғат даври гигиенаси» китоби тарқатилди.

Соғлом оилада жисмонан бақувват фарзандлар туғилади. Ҳар бир эркак ва аёл фарзандлар камолотини таъминлаш учун онанинг ёши, соғлиғи, ижтимоий-иқтисодий имкониятлари ва фарзандга эҳтиёжи даражасини ҳисобга олган ҳолда оилани режалаштириш керак. Бу болалар сонини камайтириш эмас, балки баркамол авлодни, соғлом ўғил-қизларнинг дунёга келиши учун аёллар саломатлигини тиклаш ва мустаҳкамлаш демакдир.

Туғруқ ёшидаги аёллар соғлиғини муҳофазалашга ҳам жиддий аҳамият берилаяпти. Ҳозирга қадар 3200 дан ортиқ ҳомиладор аёллар соғломлаштирилди. Айниқса, қавм-қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари ва ўсмирлар гигиенасига бағишланган мулоқотларда ўн икки мингдан зиёд ўсмирлар қатнашганлиги ёшларнинг оилавий ҳаётга қизиқиши ошиб бораётганлигини кўрсатиб турибди.

Марказимиз хотин-қизларнинг ҳақиқий маслаҳатхонаси, сифатли тиббий муолажалар ўтказиладиган саломатлик гўшаси сифатида ҳам аёлларга қадрдон бўлиб қолган.

**Юлдуз ШОДИЕВА,**
**Қарши шаҳридаги «Аёллар саломатлик маркази»нинг мудираси**



## ХОУП ЛОЙИҲАСИ АСОСИДА

2003 йилнинг январ ойида Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида «Соғлом оила» марказлари ташкил этилди. Америка Қизил Хоч, Фьючерз гроуп JHPIEGO кўмагида фаолият кўрсатадиган марказнинг асосий мақсади Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг репродуктив саломатлик, болани кўкрак сути билан боқиш, болалар касалликларини интеграциялашган усулда олиб бориш, хавфсиз оналик бўйича тузилган дастурларни аҳоли ўртасида кенг ёйишдан иборат.

Ўтказилган семинар- тренингларда лойиҳа вакиллари, соғлиқни сақлаш бошқармаси, Тошкент Педиатрия илмий текшириш институти вилоятимизнинг оталиққа олинган Деҳқонобод, Чироқчи, Касби туманлари тиббиёт муассасалари ходимлари қатнашдилар.

Бажарилиши лозим бўлган ишлар режаси тузиб чиқилди. Нодавлат, нотижорат ташкилотлари вакиллари билан Қарши шаҳрида «Хавфсиз оналик» дастурини амалга ошириш, тиббиётдаги муаммоларни ҳал этиш бўйича семинар-кенгаш ўтказилди. Тиббиёт муассасаларининг ҳозирги ҳолати ва аҳолининг тиббиёт соҳасидаги билим даражаси ўрганилди.

Тошкент, Навоий ва Фарғона вилоятларидан келган мутахассислар, врач ва ҳамширалар иштирокида ўқув-семинарлари уюштирилиб, 300 га яқин тиббиёт ходимларининг билим ва малакаси оширилди.

Машғулотларга юқори малакали мутахассислар ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг консултантлари жалб қилинди. Семинар қатнашчиларига дастур моделлари ва дарсликлар тарқатилди. Ўқитиш самарадорлигининг юқори бўлиши учун видеофильмлар, фотобуклетлар, слайдлар, замонавий муляжлардан фойдаланилди.

Акушерлик ва гинекология илмий-текшириш институти Қарши филиалида «Хавфсиз оналикни таъминлаш» мавзуида ўтказилган ўқув курси айниқса қизиқарли бўлди. Акушер-гинеколог ва ҳамширалар олган назарий билимларини амалда синаб кўрдилар. Илмий-текшириш олийгоҳининг туғруқ зали жаҳон андозалари асосида жиҳозланди.

Ҳомийлар ҳимматидан мамнунмиз. «Соғлом оила» марказига 118 минг долларлик дори-дармонлар келтирилиб, тиббиёт муассасаларига тарқатилди.

Вилоят болалар шифохонасида касалликларни интеграциялашган усулда даволаш маркази ташкил қилиниб, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Кўрилаётган барча тадбирлар соғлом авлодни шакллантириш, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган.

**Йўлдош ЭШОНҚУЛОВ,**
**ХОУП лойиҳасининг вилоят бўйича координатори**

## ИСЛОҲОТ МЕВАСИ

Туманимиз вилоят марказидан олисда жойлашганига қарамасдан тиббиёт соҳасида жиддий ислоҳотлар рўй берди. Қишлоқ шифохоналари давр талабларига мос равишда қайта қурилди, таъмирдан чиқарилиб, замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланди.

Даволашнинг эскича усулларидан воз кечиш, халқнинг тиббий маданияти ва саводхонлигини ошириш бўйича кўпгина янгиликлар амалда қўлланилмоқда.

Туманимиз халқаро ХОУП дастурига киритилганлиги биз шифокорлар учун айни муддао бўлди. Тиббиёт соҳасидаги янгиликлар ва даволаш усулларидан хабардор бўлиш имконияти яратилди.

Олис тоғ қишлоқлари ва маҳаллаларда 21200 нафар туғиш ёшидаги аёллар яшайди. Мутахассис врачлардан ташкил топган олтита шифокорлар гуруҳи аҳолини тиббий кўрикдан ўтказиб, керакли муолажаларни олиб боришаяпти.

Соғлом онадан соғлом бола туғилади. Биз тиббиёт ходимлари аёллар соғлиғини муҳофаза қилиш тўғрисида қайғуришимиз керак. Эндиликда хотин-қизларнинг энг яқин маслаҳатгўйига айланган шифокорлар улар соғлиғи учун ҳамиша камарбаста.

**Зебунисо БОЛТАЕВА,**
**Деҳқонобод туман марказий касалхонаси туғруқ мажмуаси мудираси**



## ОИЛА ТИББИЙ МАДАНИЯТИ

Аёлларимиз соғлом миллатни дунёга келтиришлари учун аввало ўзларининг саломатликларини тиклашлари керак. Туман ҳокимлиги ва мутасадди ташкилотлар Вазирлар Маҳкамасининг «Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёллар соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилишини ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида аниқ мақсадга қаратилган дастур ишлаб чиққанлар.

Обод маҳалла йили муносабати билан тиббий хизмат кўрсатиш ва соғлом турмуш тарзини яхшилашга алоҳида эътибор берилаяпти. Тумандаги ҳар бир оиланинг репродуктив саломатлиги чуқур ўрганилиб, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзи, баркамол оилани шакллантириш, тиббий саводхонликни ошириш, аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш доимий эътиборда турибди.

Туманимизда 140 мингдан зиёд аҳоли бўлиб, унинг 35466 нафарини туғиш ёшидаги аёллар, 52145 нафарини 14 ёшгача бўлган болалар, 10951 нафарини ўсмирлар ташкил этади.

95 ўринли туғруқ мажмуаси, болалар шифохонаси, марказий шифохона, 18 та қишлоқ врачлик пункти, 10 та врачлик амбулаториялари фуқароларга намунали хизмат кўрсатаяпти.

Соғлом она, соғлом бола - миллат таянчи. Оналик ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилган тадбирлар амалга оширилаётганлиги даволаш, профилактика ишлари самарадорлигини таъминлаяпти. Кейинги йилларда болани икки-уч ёшгача кўкрак сути билан боқиш одат тусига кирди.

Туғиш ёшидаги аёллар ва ўсмир қизлар тиббий кўрикдан ўтказилиб, беморлар амбулатория ва касалхона шароитида даволанаяпти.

Туманимиз «Кўкрак сути билан боқишни ҳимоялаш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, болага дўстона муносабатда бўлиш» халқаро сертификатини олиш учун интилмоқда.

Малакали мутахассислардан ташкил топган гуруҳ туманнинг Касби, Ибн Сино, Наврўз, Майманоқ, Хўжаҳайрон, Чавқай каби қишлоқларига бориб «Она сутининг моҳияти», «Сунъий овқатлар, резина сўрғичларнинг болалар соғлигига салбий таъсири», «Оила тиббий маданияти - соғлом турмуш асоси» мавзуида суҳбатлар уюштирдилар.

Шифокорларимиздан акушер-гинеколог Н.Турдиева, туғруқ мажмуаси врачи С.Каримова, участка педиатрларидан Ҳ.Азизов, Х.Усмонов, ҳамширалардан Т.Шаропова, О.Саҳатова сингариларнинг фаолияти мақтовга лойиқ.

Оила тиббий маданияти одамларнинг маънавий, руҳий ва ахлоқий соғломлиги билан белгиланади. Туманимиз шифокорларининг амалий ишлари оила манфаатларини мустаҳкамлашга қаратилган.

**Шухрат ЖАББОРОВ,**
**Касби туман марказий шифохонаси бош шифокорининг оналик ва болаликни муҳофазалаш бўйича ўринбосари**

Қарши туманида тиббий хизматни юксалтириш борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Туман марказий шифохонасида беморларни замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан даволашга етарли эътибор қаратилган. Бундан ташқари, 3 та поликлиника, 1 та диспансерлик хизмати, 11 та қишлоқ врачлик амбулаторияси, 11 та қишлоқ врачлик пункти ва 4 та доялик пункти фаолият юритмоқда.

***Суратларда: (чапдан) марказий шифохона касаба уюшма қўмитаси раиси Тўйчи Араббоев, бош врач Рўзимурод Ҳамроев ва вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси Саодат Рустамова.***

**Икром ҲАСАНОВ олган суратлар**

## ҲОРДИҚ МАСКАНИ

Қаерда меҳнаткашларнинг ишлаши ва дам олиши учун қулай шароит яратилса иш унуми янада юқори бўлади. Касби туманидаги Шароф Рашидов номли хўжаликнинг Ўзбекистон Қаҳрамони Ғайбулло Раҳмонов бошлиқ ижара пудрати дала шийпони ҳақиқий оромгоҳга айлантирилган.

Мулк шакли ўзгариши билан айрим жойларда шийпонларга эътибор сусайиб кетган. Бироқ Касби туманидаги «Ғалаба» хўжалигининг Х.Амирқулов, Ҳамза Хўжақулов номли хўжаликнинг Ш.Эшонқулов, «Миришкор» туманидаги «Тошкент» деҳқон фермерлар уюшмасидан Гадоймурод Алқаров, Автономов номли фермерлар уюшмасидан Ғуломқодир Суюнов, Қарши туманидаги Собир Раҳимов номли ширкат хўжалигидан Сафар Ҳайитов, «Бешкент» ширкат хўжалигидан Содиқ Мирзаев, Яхши Омонов ширкати хўжалигидан Ниёз Қосимовларнинг дала шийпонларида яратилган қулайликдан пахтакорлар мамнун бўлишаяпти.

Касаба уюшмалари вилоят кенгаши ва давлат санитария эпидемиология назорати маркази ходимлари билан ҳамкорликда шийпонларда санитария меъёр ва қоидаларига амал қилинишини вақти-вақти билан кўздан кечириб турибдилар.

**Азиз ҲАСАНОВ,**
**вилоят давлат санитария эпидемилогия назорати марказининг бош шифокори**

**Саҳифани «Ишонч» махсус мухбири Иззат ҲИКМАТОВ тайёрлади**

